

**“ТАШВИШ” СИГНАЛИГА ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ ПУНКТИ (ТҚМ) ОРҚАЛИ
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА**

1478 - сонли Ш А Р Т Н О М А

“24” 01 2022 йил

Фарғона ш.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Б.И.Мирзакамалов Низом асосида фаолият юритувчи бундан кейин бир томондан “Ижрочи” деб номланади, иккинчи томондан Низом асосида фаолият юритувчи Данғара тумани Халқ таълими бўлими мудирини А.Содиқов бундан кейин “Буюртмачи” деб номланиб, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартноманинг предмети.

1. “Ижрочи” миллий гвардия қўриқлаш хизмати техник қўриқлаш пунктдан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда объект ҳудудига кирган бегона шахсларни ушлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноят содир этилишини олдини олиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий тартиблар.

“Буюртмачи” Данғара тумани Тошкент кўчасида жойлашган 1-умумий ўрта таълим мактаби қоровулхонасига, Данғара тумани Ғумайла М.Ф.Й ҳудудида жойлашган 2-умумий ўрта таълим мактаб биноси қабулхонасига, Данғара тумани Навбахор кўчаси ҳудудида жойлашган 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб биноси қоровулхонасига, Данғара тумани Пишкарон маҳалласи Нурли йўл кўчаси 87-уйда жойлашган 3-умумий ўрта таълим мактаби қабулхонасига, Данғара шаҳарчаси Фурқат кўчасида жойлашган 23-умумий ўрта таълим мактаби директор хонасига, Данғара тумани Навбахор кўчасида жойлашган 39-умумий ўрта таълим мактаби қабулхонасига, Данғара тумани Телиминг МФЙ Билим кўчасида жойлашган 4-умумий ўрта таълим мактаби қоровулхонасига, Данғара тумани Шилдир қишлоғида жойлашган 26-умумий ўрта таълим мактаби қоровулхонасига, Данғара тумани Тегирмонбоши кўчасида жойлашган 18-умумий ўрта таълим мактаби қоровулхонасига, Данғара тумани Ғалаба М.Ф.Й Кичик Амробод кўчасида жойлашган 19-умумий ўрта таълим мактаб қоровулхонасига, Данғара тумани Катта Ганжиравон кўчасида жойлашган 25-умумий ўрта таълим мактаби қабулхонасига, Данғара тумани Олтиқуш М.Ф.Й да жойлашган 39-умумий ўрта таълим мактаб филиали ўқувчилархонасига, Данғара тумани манғит М.Ф.Й да жойлашган 35-умумий ўрта таълим мактаб қоровулхоналарига бир (дона) дан “Ташвиш-тугма”лари ўрнатиб, дам олиш ва байрамолди кунлари ҳамда дам олиш ва байрам кунидан ташқари, ҳар куни кундузги вақтда (соат 09:00 дан 13:00 гача) 4 соатга, “Ижрочи” топширади. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Данғара тумани қўриқлаш бўлими “Объект”да ўрнатилган ташвиш-сигнализацияси ҳолатини “Приток-А” ускунасидан фойдаланиб назорат қилиш мажбуриятини, шунингдек “Объект”нинг ТҚМ назорати даврида у ерга кирган бегона шахсларни қўлга тушириш учун объектдан ташвиш-сигнали берилганда, қўриқлаш нарядининг тезлик билан етиб келишини назорат қилиш мажбуриятини олади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, қўриқлаш ва ёнгиндан огоҳлантирувчи техник (ҚЕОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

2.3. Объектнинг қўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида “Ижрочи” инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни қўриқлаш ва ёнгиндан огоҳлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова қилинади.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг қўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, қўриқлаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган қўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар “Буюртмачи” учун мажбурий ҳисобланади.

3-боб.Тўловларни амалга ошириш

3.1. Мазкур Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи **1 ойда 3 497 104 (уч миллион тўрт юз тўқсон етти минг бир юз тўрт) сўмни, бир йиллик хизмат нархи 41 965 248 (қирқ бир миллион тўққиз юз олтиш беш минг икки юз қирик саккиз) сўм** ни ташкил қилади, ўрнатилган тариф асосида қўриқлаш пост-соат ҳисоби бўйича Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисоб-сметаси (нарх келишиш баённомаси) да ҳисоблаб кўрсатилади.

Ўзаро тасдиқланган смета ҳисоби ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Миллий гвардия Қўмондони томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кундан бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

3.2. Буюртмачи ҳар ойнинг 25 санасига қадар кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасининг 100% миқдоридаги пулни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. “Ижрочи”нинг хизмат кўрсатиш нархлари энг кам иш ҳақи ўзгарганда, энергия ташувчилар, аппаратура, автотранспорт, алоқа хизматлари нархлари ўзгарганда янги тарифлар киритилиши сабабли қайтадан кўриб чиқилади.

3.4. “Ижрочи” хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган ҳолда. “Буюртмачи” белгиланган муддатда юқори орган (ташкилотлар) марказлашган фондидан қўшимча маблағлар ҳисобига қарздорликни қоқлайди.

3.5 “Ижрочи”нинг қўшимча хизматлари учун “Ижрочи”томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда “Буюртмачи” томонидан 10 кун муддатда ўтказиш йўли билан тўланади.

4-боб.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг мажбурияти ва ҳуқуқлари:

4.1.1. “Ижрочи” тавсиясига биноан ташвиш-сигнализацияси ўрнатиладиган жойларни аниқлайди.

4.1.2. Бегона шахсларга ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш ва “Объект”га белгиланмаган шартли рақам ҳақида маълумот бермайди.

4.1.3. Ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилади ва унинг схемасига ўзгартириш киритмайди. Унинг носозлиги ҳақида ўз вақтида “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.4. Кунига камида бир марта ташвиш-сигнализацияси ишлашини синаш учун “Ташвиш” сигналини бериб, синаб кўради. Бунда телефон орқали “Ижрочи” олдиндан огохлантирилади.

4.1.5. Ташвиш-сигнализацияси уланган телефон алоқаси ва электр таъминоти тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чора-тадбирларини кўради.

4.1.6. “Ижрочи” га белгиланган тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- “Буюртмачи” айби билан ишдан чиққан ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини таъмири учун;

- Фойдаланиш муддати 5 йилдан ошган ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини капитал ремонт қилиш учун ташвиш-сигнализацияси фойдаланиш муддати тугаган ёки уни модернизация қилиш учун мавжуд аппаратура ўрнига алмаштириш учун;

- “Буюртмачи” айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун (объектни НҒП навбатчи бошқарув пульти)ни хабардор этмаган ҳолда кўриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотўғри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.3.моддаси талаблари бажарилмаганда) кўриқлаш нарядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов ҳисобидан 15 % миқдорида жарима белгиланади.

4.2. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

4.2.1. “Объект”ни “Буюртмачи” ўз маблағлари ҳисобига “Ижрочи”га тегишли “Ташвиш” сигнализацияси аппаратлари билан жихозлайди. Ўз ҳисобидан ташвиш-сигнализацияси воситаларини техник хизмати ва таъмирлашни амалга оширади, бундан “Буюртмачи” айби билан вужудга келган носозликлар мустасно.

4.2.2. Белгиланган тартибда “Объект”ни назорат қилиш учун қабул қилади ва “Ташвиш” сигнали берилганда 5 дақиқа ичида кўриқлаш наряди етиб келиши.ни таъминлайди.

4.2.3. “Буюртмачи”ни “Ташвиш” сигнализациясидан фойдаланишга ўргатади ва уларга йўриқнома беради.

4.2.4. Ҳар бир сохта ташвиш сигнали ишлагани учун далолатнома тузилиб, 1 нусхаси “Буюртмачи”га берилади.

4.2.5. “Ташвиш” сигнализацияси аппаратурасидан фойдаланиш 5 йил муддатидан ошса, “Буюртмачи” ҳисобидан капитал таъмирлашни амалга оширади.

4.2.6. “Буюртмачи”ни “Ижрочи” хизмати учун тўлов таърифлари ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилади.

4.2.7. Қуйидаги ҳолатларда шартноманинг амал қилинишини тўхтатилади ёки бир томонлама бекор қилади:

а) “Буюртмачи” хизматлар учун тўловдан камида 3 ойлик қарздор бўлса;

б) “Ижрочи” мажбуриятларини бажариш учун тўсқинлик қилувчи техник сабаблар объектга ўрнатилган телефон номери ўзгарганда, телефон ўчириб қўйилганда ёки марказлашган кўриқлаш пункти тугатилганда;

в) “Ижрочи”га “Буюртмачи” ўзгарганлиги ҳақида хабардор этилмаган бўлса;

г) Мазкур шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.4., 4.1.6. бандларида кўзда тутилган қоидалар бузилган бўлса.

4.2.8. Агар техник воситалар билан амалга оширишга тўсқинлик қилувчи сабаблар (телефон ўзгарилган бўлса, телефон аппарати носозлиги, электр энергиясининг тўхтатилганлиги, марказий назорат пултларининг алмаштирилиши ёки қайта дислокация қилиниши) пайдо бўлса, “Объект”ни назорат учун қабул қилмайди, бу ҳақида “Буюртмачи”ни хабардор қилади.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги:

5.1.1. Мазкур шартнома бўйича хизматлар учун тўловлар кечиктирилса, кечиктирилган ҳар 1 кун “Ижрочи”га шартнома нархининг 0,4% миқдорида умумий жарима миқдори кечиктирилганда сумманинг 50% дан ошмаган ҳолда жарима тўлайди.

5.1.2. Мазкур шартнома бўйича хизматлар ҳақини асосланмаган ҳолда тўлашдан бош тортса тўлов миқдорининг 15% миқдорида қўшимча жарима тўлайди.

5.1.3. Хўжалик юритувчи объект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловни) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги

5.2.1. “Ижрочи” кўриқлаш вақтидан ташқари объектда бегона шахслар томонидан зарар келтирилса, моддий жавобгар ҳисобланмайди.

5.2.2. “Буюртмачи”га, ташвиш-сигнали берилганда кўриқлаш наряди етиб боришлиги таъминланади.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

7.1. Томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, фавқулотда ҳолатларда, томонлар ўз имкониятлари ва кучлари билан назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатларда шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажармаслиги тарафларни жавобгарликдан озод қилади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томончи бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

7.3. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

7.4. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

8.3. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

8.4. Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олинганида кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8.5. Шартноманинг амал қилиш муддати куйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан

бош

лаб

Том

онлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган ҳисобланади.

8.6. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

8.7. Буюртмачи кетма-кет уч ой давомида мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи томонидан белгиланган муддатларда янгитдан тасдиқланган тарифлар асосида тақдим этилган смета ҳисобларини тасдиқлашдан бош тортса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8.9. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

8.10. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

8.11. Ушбу шартнома тасдиқланиши билан “ 31 ” декабрь 2022 йил кундаги _____ - сонли шартномалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ИЖРОЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш
бошқармаси
Юридик манзили: Фарғона шаҳар Оксув
кўчаси 4-уй
Банк реквизитлари:
21596000900210137001
МФО-00026
СТИР: 200146674
ИФУТ: 80200
Марказий банк Фарғона шаҳар
Бошқарма бошлиғи

Б.И.Мирзакамалов

Бошқарма бош юрисконсулти



“БУЮРТМАЧИ”

САНТАРА МАУНАВИ ХТБ
САНТАРА Ш-ИН ФУНКЦИОН КЎРСАТ
ХР1002286030236407210015048...
ИН: 200164961 ОКОН: 97600
МОШЕ ВАЗИРИШИ ЗАРАФИШИ
ХР23402000300100004010
ИН: 201122917 ИФО: 00019

Рахбари

Бош ҳисобчи

А. Саидов
М. Корвезиев



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
FARG‘ONA VILOYATI QO‘RIQLASH BOSHQARMASI
DANĠARA TUMANI QO‘RIQLASH BO‘ILIMI**

Гумойли МФЙ, Х.Олимжон ko‘chasi. Tel. 73-572-15-35, faks 73-572-15-34

chiqish № 425

2022 yil «24» 01

Данғара тумани Халқ таълими
бўлими мудири

А.Содиқовга

А Л О Қ А Х А Т И

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрь кунндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўриклаш хизмати бўлинмалари томонидан кўриқланадиган объектларни рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги №-930-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Данғара тумани Халқ таълими бўлимига тасарруфидаги 2-ДИУМ, 1,2,3,4,18,19,23,25,2635,39 ва39-сонли мактаб филиалларига 2022 йил симета харажатлари учун бюджет хисобидан пул маблағлари ажратилишига амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Кўрсатилган амалий ёрдамнингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамыз.

Бўлим бошлиғи

И.О.Рахимов

Фарғона вилояти Қуриқлаш бошқармаси қуриқловига олинган
Данғара тумани Халқ таълими бўлимига қарашли мактабларнинг
2022 йил 01 январь холатига
СМЕТА ХАРАЖАТЛАРИ ХИСОБИ

№	Қуриқланаётган объектларнинг номи	Объектнинг манзили	Қуриқлаш тури	Қуриқлаш вақти (соати)			Уртача бир ойлик қуриқлаш соати	Объектнинг қуриқлов сўммаси	
				Иш куни	Дам олиш ва байрам олди куни	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соат нархи	Ўртача 1 ойлик сўммаси
1	2	3	4	6	7	8	9	10	12
1	1-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Тошкент кўчаси	ТҚП	4			86	3128	269008
2	2-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Ғумайли кўчаси	ТҚП	4			86	3128	269008
3	2-сонли ихтисос Мактаб Таш-туг	Данғара т Напвбахор кўчаси	ТҚП	4			86	3128	269008
4	3-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Нурли йўл кўчаси	ТҚП	4			86	3128	269008
5	23-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Фурқат кўчаси	ТҚП	4			86	3128	269008
6	39-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Навбахор кўчаси	ТҚП	4			86	3128	269008
7	4-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Телминг МФИ	ТҚП	4			86	3128	269008
8	26-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Шилдир МФИ	ТҚП	4			86	3128	269008
9	18-сонли ихтисос Мактаб Таш-туг	Данғара т Тегирмонбоши кўча	ТҚП	4			86	3128	269008
10	19-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Ғалаба МФИ	ТҚП	4			86	3128	269008
11	25-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Ганжиравон	ТҚП	4			86	3128	269008
12	39 -сонли Мактаб филиали Ташвиш	Данғара т Олтикуш МФИ	ТҚП	4			86	3128	269008
13	35-сонли Мактаб Ташвиш-тугма	Данғара т Манғит МФИ	ТҚП	4			86	3128	269008
ЖАМИ									3497104

Фарғона вилояти
Қуриқлаш бошқармаси бошлиғи

МИБ бошлиғи

В. Мирзакамолов

Ф. Ишанкулов

" " 20 йил

Рахбари:

Бош ҳисобчи

" " 20 йил



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG‘ARA TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

150500, Dang‘ara tumani, Toshkent ko‘chasi, 150-uy, tel.: (998 73) 572 17 78,
www.farg‘ona.adliya.uz, el.pochta: dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

“26 ” yanvar 2022 yil.

Dang‘ara tumani Xalq ta‘limi
bo‘limiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA.

1. Loyihaning turi:

Xo‘jalik shartnomasi №1478 -sonli 24.01.2022 yil.

2. Loyihaning nomi:

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Farg‘ona viloyati Oo‘riqlash boshqarmasi tomonidan Dang‘ara tumani Xalq ta‘limi bo‘limi va uning tasarrufidagi umumta‘lim maktablariga “Tashvish” signaliga texmik qo‘riqlash punkti (TOM) orqali xizmat ko‘rsatish to‘g‘risida.

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang‘ara tumani Xalq ta‘limi bo‘limi

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risidagi qonuni asosida o‘rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko‘rsatilgan javobgarligi va o‘zaro nizolarni hal qilish O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risidagi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang‘ara tumani Yuridik xizmat ko‘rsatish
markazi bosh yuriskonsulti



B.Ergashev